

ҚОФИЯДОШ МАҚОЛЛАРДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ТУШУНЧАЛАР УЙҒУНЛИГИ (француз ва ўзбек тиллари мисолида)

Тошқобил Бозор ўғли МУҚУМОВ

Ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Озода Гулом қизи ИСЛАМОВА

Талаба

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд, Ўзбекистон

СОВМЕСТИМОСТЬ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ ПОНЯТИЙ В РИТМИЧЕСКИХ ПОСЛОВИЦАХ (на материале французского и узбекского языков)

Тошқобил Бозор ўгли МУҚУМОВ

Преподаватель

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарқанд, Узбекистан

Озода Гулом қизи ИСЛАМОВА

Студент

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарқанд, Узбекистан

COMPATIBILITY OF NATIONAL-CULTURAL CONCEPT IN RHYTHMIC PROVERBS (in the material of French and Uzbek languages)

Toshkobil MUKUMOV

Teacher

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Samarkand, Uzbekistan kobilmukumov@mail.ru

Ozoda ISLAMOVA

Student

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Samarkand, Uzbekistan islamova@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.111'37

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):

Муқумов Т. Б., Исламова О. Г. Қофиядош мақолларда миллий-маданий тушунчалар уйғунлиги (француз ва ўзбек тиллари мисолида). // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 1(36). — С. 103–113.

<https://doi.org/10.36078/1618811008>

Received: December 12, 2020

Accepted: February 22, 2021

Published: February 20, 2021

Аннотация. Мақолада халқ донишмандлиги, маданияти, ижтимоий турмуш тарзини ўзида акс эттирган француз ва ўзбек халқи мақолларини қиёсан таҳлил қилиш орқали иккала халқ маданиятидаги ўхшаш лингвомаданий хусусиятлар мавжудлиги борасида мулоҳаза юритилади. Хусусан, французча қофиядош мақолларни лингвомаданий жиҳатдан ўзбек тилидаги муқобиллари билан қиёсий ўрганиш натижасида умуминсоний қадриятлар иккала халқ маданияти ва ижтимоий турмуш тарзида бир хил тушунча ва қарашлар нуқтаи назаридан талқин қилиниши таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада бир қанча умуминсоний қадриятлардан кадр-қиммат, қўшничилик, дўстлик, вақт кадри ва самарадорлик каби эзгу тушунчалар икки хил маданият ва икки тил соҳиблари бўлмиш француз ва ўзбек халқи маданиятларида қофия ёки такрорийлик асосида ҳосил

Copyright © 2021 by author(s).
This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).
<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



бўлган мақоллар орқали умумий ўхшаш тафаккур ва қарашлар замирида деярли бир хил шаклланганлиги аниқ мисоллар билан изоҳланган. Шу билан бирга, французча қофиядош мақолларни ўзбек тилидаги муқобиллари билан қиёслаш орқали иккала тилда ҳам мақоллар асосан, қофия ва такрорий элементлар асосида ўзига хос жозибadorлик, мазмунан теранлик ва нутқий раволик касб этиши хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлари: паремиология; қофиядош мақоллар; такрорий элементлар; умуминсоний кадриятлар; лингвомаданий хусусият; миллий дунёқараш.

Аннотация. В статье обсуждаются схожие лингвистические и культурные особенности между двумя народами посредством сравнительного анализа пословиц французского и узбекского народов, которые отражают мудрость, культуру и социальную жизнь людей. В частности, сравнительное исследование французских рифмующихся пословиц с лингвистическими и культурными альтернативами узбекского языка анализирует интерпретацию универсальных ценностей с точки зрения одних и тех же концепций и взглядов в культуре и социальной жизни обоих народов. В статье также рассматривается ряд универсальных ценностей, таких как достоинство, добрососедство, дружба, ценность времени и работоспособность. В то же время, сравнивая французские рифмующиеся пословицы с их узбекскими альтернативами, можно сделать вывод, что пословицы на обоих языках приобретают определенную привлекательность, глубину содержания и беглость речи, в основном на основе рифмующихся и повторяющихся элементов.

Ключевые слова: паремиология; рифмующиеся пословицы; повторяющиеся элементы; общечеловеческие ценности; лингвокультурные особенности; национальное мировоззрение.

Abstract. This article discusses the similar linguistic and cultural characteristics between the two peoples through a comparative analysis of French and Uzbek proverbs that reflect the wisdom, culture and social life of the people. In particular, a comparative study of French rhyming proverbs with linguistic and cultural alternatives to the Uzbek language analyzes the interpretation of universal values from the point of view of the similar concepts and views in the culture and social life of both peoples.

The article also explores a number of universal values such as dignity, good neighborhood, friendship, the value of time and performance. Using examples, it is formed in the same way. At the same time, mainly based on rhyming and repetitive elements comparing French rhyming proverbs with their Uzbek alternatives, one can conclude that proverbs in both languages acquire a certain appeal, depth of content and fluency of speech.

Keywords: paremiology; rhyming proverbs; repetitive elements; universal values; linguocultural features; national worldview.

Кириш. Бугунги кунда биз ахборотни замонавий технологиялар орқали тўплаймиз ва уларни сақлаймиз. Ваҳоланки, ҳали тилнинг борлиқдаги инъикоси ҳисобланмиш ёзув кашф қилинмаган вақтда ахборотларни сақлаш ва уларни етказишнинг оддий усули, ҳамма учун қулай восита ҳисобланган — тил эди. Тилда мулоқотнинг жозибador, ихчам, қулай ва самарador воситаси мақол ва маталлар ҳисобланган.

Паремиологик бирлик ҳисобланган мақол ва маталларнинг бадиий мазмуни туфайли нутқ раво ва гўзал тароват касб этади. Чунки, уларнинг замирида қадим ўтмишга бориб тақалувчи халқ донишмандлиги, маданияти, ижтимоий турмуш тарзи намоён бўлади. Тилшуносликда ҳозирги кунга қадар бу соҳада амалга оширилаётган илмий изланишлар уларнинг нақадар мураккаб тил бирлиги эканлигидан далолат беради. Шундай экан, икки хил маданият ва дунёқараш соҳиблари ҳисобланган француз ва ўзбек халқи мақолларини бир-бири билан қиёслаб ўрганиш ҳам мағриб ва машриқзамин халқлари ўртасидаги нечоғлик уйғунлик ёки аксинча тафовут мавжудлигини кашф этиш имконини беради.

Шунингдек, айнан қофиядошлик асосида ясалган паремиологик бирликлар нутқда кенг қўлланиладиган мақоллар бўлиб, улардаги оҳанглар уйғунлиги уларни эса тез сақланишига ёрдам беради ва нутқни янада аниқ, раво ҳамда жозибатор бўлишини таъминлайди. Бу эса, албатта, ҳар бир тингловчига эстетик завқ бағишлайди. Мана шундай қофияли мақолларга хос лингвистик, миллий-маданий ва бошқа ўзига хос хусусиятларни қиёсий аспектда тадқиқ этиш айрим фразеологик муаммолар ечимига аниқлик киритишда ёрдам беради ҳамда ушбу соҳани муайян даражада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Асосий қисм. Ҳар бир тилда эркин мулоқот қилиш ва шу тилдаги барча нозик маъноларни тушуниш учун шу тилнинг фразеологик луғат бойлиги билан яқиндан танишиш янада муҳим. Маълум бир тилнинг ёки ўша тилда гаплашувчи халқнинг тил бойлиги, асосан ушбу халқ маданий қарашларини акс эттирувчи сержило ва бўёқдор фразеологик қатлам билан ўлчанади (3, 4). Қолаверса, тилшунос Ш. Сафаров таъкидлаганидек, ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият худудида, маданий муҳитда шакл топади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс этиши табиийдир. Сўзсиз, бу тажриба миллий маданият муҳитида, кундалик ҳаёт фаолиятида учрайдиган воқелик ҳодисалари таъсирида юзага келади (2, 57).

Шундай экан, бугунги кунда паремиология соҳасида қизгин изланишлар олиб борилаётган бир пайтда, қофиядош мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш паремиология соҳасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мақолада француз тилидаги айнан қофиядош Ф. Бларнинг ўзбек тилидаги муқобил вариантлари ўртасидаги маданий уйғунлик борасида фикр юритмоқчимиз. Бу орқали мағриб ва машриқзамин халқлари ҳисобланган француз ва ўзбек халқининг ўзига хос маданияти ва дунёқарашини ўртасидаги ўзаро ўхшаш жиҳатларни айрим концептуал маънолар доирасида тавсифлаш имкони пайдо бўлади.

Паремиологик бирликлар ҳар бир миллатнинг маданият, қадрият ва эътиқодини, умуман, халқнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалашда муҳим омилдир. В. Телия тилшунос ҳамда фолклоршунос сифатида маданиятни тил билан боғлаган ҳолда фразеологиянинг тилдаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг айтишича, тил бутун бир маданиятни ўзида ифодалар экан, шубҳасиз, фразеология соҳаси ҳам тилнинг эгаси бўлмиш халқнинг маданиятини жуда чиройли ва чуқур ифодалай олади (4, 40–61). Бундай ҳолатни ўзаро тил ва маданиятнинг қоришиб кетган соҳаси, яъни лингвомаданиятшунослик фани негизида

кўриш мумкин. Бугунги кунда Ф. Блар халқ маданиятини кўрсатишда фаол воситалардан бири сифатида тилшуносликдаги лингвомаданий изланишлар жараёнининг муҳим мавзуларидан бирига айланган.

В. Телия фразеологик бирликларнинг бир тури бўлган мақолларни — *direct cultural signs* (*бевосита маданият белгиси*) деб атайти ва бу орқали у мақоллар бутунлай халқнинг маданиятини кўрсатувчи омил эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир мақол, халқнинг турмуш тарзини қисқа ва лўнда, умуман олганда, тўлалигича ифодалай оладиган кўзгу ҳисобланади (4, 68).

Тилда мавжуд бўлган ҳар қандай лексема ўша халқнинг турмуш тарзидан, яъни халқ тилидан келиб чиққан бўлиб, у бевосита паремиологик бирликлар таркибида иштирок этади ва улар орқали халқнинг маданиятини акс эттиради. Демак, юқорида келтирилган олимларнинг назарияларига асосланган ҳолда айрим французча қофиядош мақолларни ўзбек тили билан қиёсий таҳлил қилиш орқали келтирилган фикрларни исботлаш имкони мавжуд.

Қофия — одатда шеърий мисраларнинг муайян ўрнида оҳангдош сўз ёки сўз бирикмаларининг изчил такрорланиб келиш ҳодисаси бўлиб, шеърнинг мазмуни, жанри, шакли ва композициясида муҳим ўрин эгаллайди ва у сўзларнинг оҳангдошлиги, ўзак билан ўзак ёки қўшимча билан қўшимча ўртасидаги уйғунлик туфайли юзага келади (5, 349).

Қофия нафақат шеъриятда, балки ихчам ва лўнда структурали мақол ва маталларда ҳам кенг фойдаланилади. Негаки, бундай паремиологик бирликлар аксарият ҳолларда ўзларида шеърий оҳангдошлик хусусиятини акс эттиради ва бунда қофия улардаги ритм ва мусиқийликни таъминлайди, буни эса мақоллар ғоявий мазмуни билан боғлиқ лингвистик ҳодиса сифатида тавсифлаш мумкин. Шу боис у паремиологик бирликлар мазмунини гўзал ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Мақоллардаги қофиянинг ўзига хос вазифаларидан яна бири шундаки, у мақоллар интонациясини, яъни оҳангдорлигини юзага келтиради.

Шеъриятдаги қофия сингари мақоллардаги қофияни ҳам ўз ўрнига кўра анафорик, эпифорик ва ички қофия турларига ажратиш мумкин. Аксарият мақоллар барча тилларда ҳам асосан, бир мисрала мақоллар ҳисобланиб, уларда ички қофия шакли жуда кўп учрайди. Бироқ шеърий мақоллар ҳам мавжуд бўлиб, уларда асосан, эпифорик қофия шакллари кўзга ташланади. Француз тилида уларга қуйидагича мисол келтириш мумкин:

Бир мисрала мақоллардаги ички қофия:	Шеърий мақоллардаги эпифорик қофия:
✓ <i>Bonjour lunettes, adieu fillettes.</i>	✓ <i>Pour obtenir un œuf</i>
✓ <i>Une faute avouée, est à demi pardonnée.</i>	<i>Il faut demander un bœuf.</i>
✓ <i>Être belle à la chandelle.</i>	✓ <i>Qui trop se hâte en cheminant.</i>
✓ <i>Se qu'on apprend au berceau dure jusqu' au tombeau.</i>	<i>En bon chemin se fourvoie souvent.</i>
✓ <i>Tout nouveau, tout beau.</i>	✓ <i>À qui se lève matin,</i>
✓ <i>À chaque oiseau, son nid est beau.</i>	<i>Dieu prête la main.</i>
✓ <i>Ami de table est bien variable.</i>	✓ <i>De bonne vie bonne fin,</i>
	<i>De bonne terre bon pépin.</i>

Қуйида асосан, француз тилида мавжуд қофиядош мақолларнинг маъновий талқини юзасидан ўзбек тилидаги муқобиллари ўртасидаги

киёсий таҳлилга эътибор қаратилади. Масалан, француз тилидаги жарангдор қофияли *tel pied* — *tel soulier* мақолини мисол тарикасида олайлик. Ушбу мақолнинг ўзбекча муқобили *уловига яраша тушови* ёки *эшагига яраша тушови* мақолидир. Яъни бу кенг маъноли мақол бўлиб, у *бир-бирига яраша, мос, муносиб, монанд* каби маъноларда қўлланилади. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ушбу мақолни ишлатиш мумкин, масалан, арзимаган нарсага арзимаган ҳаракат ёки иззат-ҳурматга арзимайдиган инсоннинг иззат-ҳурмат қилинмаслиги ва бошқа ҳолларда (7, 405).

Французча ушбу мақолда қофиядошлик *pied* (оёқ) ва *soulier* (пойафзал) сўзлари орқали ифодаланган бўлса, ўзбек тилидаги муқобил вариантыда эса *улов* ва *тушов* сўзлари орқали қофияланган. Яъни уларнинг қофиядошлик хусусияти *у-лов* ва *ту-шов* сўзларидаги иккинчи бўғинда намоён бўлади. Демак, мазкур мақол иккала тилда ҳам қофиядошлик асосида ҳосил бўлган, дейиш мумкин.

Агар мақолнинг француз тилидаги варианты ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинса, *tel pied - tel soulier* — *оёғига яраша пойафзал* деган маъно келиб чиқади. Мақолнинг таркибидаги сўзлар маъносига эътибор қилсак, ўзбек тилидаги *улов* сўзи миниб юриладиган ҳайвон, *тушов* сўзи эса ҳайвонлар қочиб кетмаслиги учун олдинги икки оёғини боғлаб қўядиган арқон ёки мослама маъносини ифодалайди (5, 220; 279). Қадимда от-уловларнинг оёғига тушов боғлаб қўйишган. Ушбу ҳайвоннинг қиймати оёғига боғланган тушовнинг қиймати билан ўлчанган ёки аксинча бўлган. *Уловига яраша тушови* мақоли эса айнан ўша вазиятдан келиб чиққан. Шунга кўра француз тилидаги *tel pied* — *tel soulier* (*оёғига яраша пойафзал*) мақоли ва ўзбек тилидаги *уловига яраша тушови* мақоли ўртасида қофияли шакл ва мазмуний яқинлик мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Яъни ушбу мақол орқали иккала халқ дунёқараши ва ижтимоий-маданий ҳаёти ўртасида бир-бирига монандлик мавжудлиги акс этган.

Французча *tel pied* — *tel soulier* яъни, *уловига яраша тушови* маъносини ифодаловчи мақолнинг иккала тилда ҳам бошқа

Французча вариантлар	Сўзма-сўз таржимаси
<i>Tel pied - tel soulier</i>	<i>Оёғига яраша пойафзали</i>
<i>Tel couteau - tel fourreau</i>	<i>Пичоғига яраша сопи</i>
<i>Tel chien - tel maître</i>	<i>Итига яраша ўргатувчиси</i>

Ўзбекча вариантлар	
<i>Уловига яраша тушови</i>	<i>Қизига яраша мунчоғи</i>
<i>Эшагига яраша тушови</i>	<i>Пичоғига яраша сопи</i>
<i>Қозонига яраша қопқоғи</i>	<i>Ёриқ ҳовончага - синиқ соп</i>
<i>Қозонига яраша учоғи</i>	<i>Бўлмаган бугдойга - ўтмаган ўроқ</i>

вариантлари мавжуд бўлиб, уларда маъно бир хил, лекин уларнинг ифода воситалари ўзаро фарқ қилади. Масалан:

Бундан кўриниб турибдики, ушбу мақолнинг ўзбек тилидаги вариантлари анчагина бўлиб, улар ҳам француз тилидаги сингари деярли бир хил структур тузилишга эга. Яъни:

француз тилида: *tel + nom + tel + nom*;

ўзбек тилида: *ot + яраша + ot*.

Бирок бундай структур тузилиш жиҳатдан бир хил бўлган бошқа мақолларни мазмун нуқтаи назардан чалкаштирмаслик лозим. Масалан, иккала тилда ҳам худди шундай структур тузилишга эга бўлган бошқа мақоллар ҳам мавжуд. Мисол учун француз тилидаги *олманинг тагига олма тушади* мазмунидаги қуйидаги икки мақол, яъни *tel père tel fils* (сўзма-сўз таржимаси: *отасига яраша ўғли*), ёки *tel oiseau tel nid* (сўзма-сўз таржимаси: *қушига яраша уяси*), ўзбек тилидаги *саломига яраша алиги* каби мақоллар шулар жумласидандир. Ушбу мақоллар қўлланилиш доирасига кўра *tel pied — tel soulier* яъни, *уловига яраша тушови* мақолининг мазмун доирасидан анча фарқ қилади. Яъни уларнинг қўлланилиш вазиятлари турлича. Масалан, қуйида уларнинг ишлатилиш мақсади ва қўлланилиш ҳолатига эътибор қилайлик:

Мақол	Ифода мақсади	Қўлланиладиган вазият
француз тилида		
<i>tel pied tel soulier</i>	қадр ва қиймат	Арзимаган нарсага арзимаган ҳаракат қилинганда
<i>tel père tel fils</i>	сабаб ва натижа	Оилада фарзанд тарбиясига баҳо берилганда
ўзбек тилида		
<i>уловига яраша тушови</i>	қадр ва қиймат	Арзимаган нарсага арзимаган ҳаракат қилинганда
<i>саломига яраша алиги</i>	муносабат	Бировнинг муносабатига яраша жавоб қайтарилганда

Ушбу жадвалдан маълумки, қофиядош мақолларнинг структур тузилиши бир хил бўлса ҳам, қўлланилиш доираси иккала тилда ҳам турлича. Яъни мазкур мақоллар иккала тилда ҳам структур жиҳатдан бир хиллигига қарамадан ифодалаётган маъноси ва уларнинг қўлланилиш вазиятлари фарқ қилгани боис уларни битта мақолнинг вариантлари сифатида талқин қилиш мумкин эмас. Бундай таҳлил натижасида француз ва ўзбек халқи миллий дунёқарашлари ўртасида мутаносиблик мавжуд, деган хулосага келиш мумкин.

Француз тилида яна шундай жарангдорлик асосидаги қофиядош мақоллар мавжудки, улар ҳам француз ва ўзбек халқи маданияти ва қадриятлари ўртасида бир-бирига яқинлик мавжудлигидан далолат беради. Масалан, француз тилидаги қуйидаги мақолга эътибор қаратайлик:

Французча мақол	Сўзма-сўз таржимаси	Ўзбекча муқобили
<i>Qui a bon voisin a bon matin</i>	Кимнинг қўшниси яхши бўлса, тонгги ҳам хайрли бўлади	Қўшнинг тинч, сен тинч

Қадимдан ота-боболаримиз қўшничилик жуда нозик масала эканлигини, қўшнига нисбатан эътиборли бўлиш ҳамда унга эҳтиёткорлик билан муомала қилиш лозимлигини таъкидлаб келганлар. Ушбу анъана нафақат шарқ халқлари қарашларига хос, балки ғарб халқларида ҳам қадимдан мавжуд бўлган азалий

тушунчадир. Масалан, эрамиздан олдинги VIII асрда яшаган грек файласуф шоири Гесиоднинг *Ёмон қўшни мушибат, яхши қўшни ҳақиқий хазинадир* (*Un mauvais voisin est une calamité, un bon voisin un vrai trésor*), деган ҳикматли сўзи ёки чехларнинг *Кимнинг қўшниси яхши бўлса, уйини қимматга сотади* (*Celui qui a un bon voisin vendra sa maison plus cher*), данияликларнинг *Кимнинг томи ойнадан бўлса, қўшнисига тош отмасин* (*Qui a un toit en verre ne doit chez son voisin jeter des pierres*), Инжил китобидаги *Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал* (*Un voisin proche vaut mieux qu'un frère éloigné*) каби мақолларнинг мавжудлиги фикримиз далилидир. (Ушбу мақоллар <https://citation-proverbe-francais> сайтидан олинди ва муаллиф томонидан ўзбек тилига таржима қилинди) (9, <https://citation-proverbe-francais>).

Француз халқининг *Qui a bon voisin a bon matin* мақоли ва унинг ўзбек тилидаги муқобил варианты ҳисобланган *Кўшнинг тинч — сен*

Француз тилида	
Кўшничиликка доир мақоллар	Сўзма-сўз таржимаси
<i>Choisir ses voisins est plus important que choisir sa maison.</i>	Уй танлашдан кўра қўшни танлаш муҳимроқ.
<i>Un bon renard ne mange pas les poules de son voisin.</i>	Яхши тулки қўшнисининг товўқларига тегинмайди.
<i>N'achète pas la maison avant d'avoir acheté le voisin.</i>	Кўшни сотиб олмасдан, уй сотиб олма.
<i>Ce n'est pas en mangeant moins que tu nourris ton voisin.</i>	Кўшнингни боқсанг, ўзинг ҳам ундан кам емайсан.
Ўзбек тилида	
Қофияли мақоллар	Такрор элементли мақоллар
<i>Кўшнинг бор - ошинг бор.</i>	<i>Ҳовли олма қўшни ол.</i>
<i>Кўшнисидан сўраб қиз ол, Четидан қараб бўз ол.</i>	<i>Яхши қўшни - ота-она, Ёмон қўшни - бошга бало.</i>
<i>Ҳамсоям - жон соям.</i>	<i>Ўтти қўшнинг - ўтти ота-онанг.</i>
<i>Ён қўшни - жон қўшни.</i>	<i>Ёмон қўшни ёвдан ёмон.</i>
	<i>Кўшни келди - кўмак келди.</i>

тинч мақоли иккала тилда ҳам ўзига хос нутқий жарангдорлик, яъни француз тилида қофиядошлик (*voisin; matin;*) ва такрорий элементлар (*a bon*) асосида ясалганлиги ва ўзбек тилида эса фақат такрорий элементлар (*тинч*) асосида ҳосил бўлганлиги ушбу мақолларнинг нутқда энг кўп ишлатилишини таъминловчи асосий мезонлардан бири саналади. Негаки, мақоллардаги айнан қофия ва такрорийлик хусусияти уларни тез ёдда сақлашга ва нутқ равлонлигига сабаб бўлади. Бироқ француз ва ўзбек тилида ҳам кўшничиликни қадрловчи бошқа мақоллар ҳам мавжуд. Масалан, қуйидаги мақолларга эътибор қилайлик:

Ушбу юқорида иккала тил мисолида келтирилган мақоллардан маълумки, француз тилида кўшничиликка доир кенг изоҳли гап шаклидаги мақоллар кўзга ташланса, ўзбек тилида эса анча ихчам ва қофияли мақоллар кўзга ташланади. Улар орасида фақат француз тилидаги қофиядош *Qui a bon voisin a bon matin* мақоли ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган *Кўшнинг тинч — сен тинч, Ҳовли олма, қўшни ол, Ён қўшни — жон қўшни* каби мақоллар билан ҳар томонлама яқин

эканлигини кўриш мумкин. Бундай мазмундаги мақолларни француз ва ўзбек халқи маданий меросида ҳам кўплаб учратиш мумкин ва улар катта-ю кичикни ҳалоллик, меҳр-оқибат ва кўшничилик одобиға ундашга хизмат қилади (1, 574).

Французлар томонидан кўп ишлатиладиган яна бир қофиядош ва такрорий элементли мақоллардан бири *Heure du matin, heure du gain* мақоли бўлиб, у ҳам ўзбек тилида айнан ўз муқобил вариантыға эға ҳамда ҳар томонлама бир-бириға мос келадиган мақол саналади. Ушбу мақол ўзбек тилиға сўзма-сўз таржима қилинса, *Эрталабки вақт фойда (даромад) вақтидир*, деган маънони ифодалайди (8, 46). Ўзбек тилида унга муқобил сифатида эрта турганнинг иши баракали бўлишини акс эттирган қофияли ва жозибадор *Эрталабки иш, кўнгилини қилар хуш* мақолини келтириш мумкин.

Шунингдек, француз тилида айнан шу мақолнинг яна қофиядош ва эсда қоларли *À qui se lève matin, Dieu prête la main* муқобили ҳам мавжуд. Унинг ўзбекча сўзма-сўз таржимаси эса *Эрта турганға Худо қўлини узатади* деган маънони ифодалайди. Ушбу французча мақолнинг ҳам ўзбек тилида айнан мос муқобили мавжуд, яъни ўзбек халқи орасида жуда кенг ишлатиладиган *Эрта турганға Худо беради* мақоли айнан шу мақолнинг ўхшаш варианты ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзбек тилида *Эрта турган иш битирар, кеч турган кўп туртинар, Эрта турган йигитнинг бир ризқи ортиқ, эрта турган аёлнинг бир ҳусни ортиқ* каби мақоллар ҳам эрта туришнинг хосиятидан дарак берувчи мақоллар ҳисобланади (6, 389).

Бундан келиб чиқадики, француз ва ўзбек тилидаги бу иккала мақол ҳам кишиларнинг саҳардан туриб меҳнат қилиши, уй-рўзгор ишлари билан машғул бўлиши, далада ишлаши каби одатлар иккала халққа ҳам хос эканлигидан далолат.

Юқорида таҳлил қилинган қофиядош мақоллар француз ва ўзбек халқи урф-одатлари бир-бири билан анча яқин эканлигини кўрсатиш билан бир қаторда, ушбу урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган қофиядош мақоллардаги қофиядошлик хусусияти ҳам бир-бириға деярли монанд эканлигини ифодалайди. Масалан, француз тилидаги *Bien faire vaut que bien dire* мақоли ўзбек тилидаги муқобилида ҳам жуда жозибали ва жарангдор тарзда қофияланган. Яъни ушбу французча мақолнинг сўзма-сўз таржимаси *Иини яхши бажариш яхши гапиришдан кўра афзалдир* маъносини ифодаласа, унинг ҳақиқий ўзбекча муқобили эса *Ганни оз сўзла, иини кўп кўзла* тарзида жуда чуқур маъноли, бироқ осон эсда қоладиган равон шаклда акс этади. Иккала тилда ҳам бирдек қофиядошлик асосида жарангловчи бундай мақоллар рўйхати анча бой бўлиб, уларни лингвистик нуқтаи назардан алоҳида тадқиқотлар объекти сифатида ўрганиш киёсий паремиология соҳасини ривожлантиришнинг маълум бир пиллапояларидан бири

Французча қофиядош мақоллар:	Ўзбекча қофиядош мақоллар:
<i>Il faut travailler en jeunesse, Pour reposer en vieillesse.</i>	<i>Ёшликнинг меҳнати Қариликнинг роҳати.</i>
<i>Qui ne travaille pas, ne mange pas.</i>	<i>Ишламаган тишламайди.</i>
<i>Bouche de miel - coeur de fiel.</i>	<i>Тили асал, ичи заҳар.</i>
<i>À chaque oiseau son nid est beau.</i>	<i>Ўз уйинг - ўлан тушагинг.</i>
<i>Ami de table est bien variable.</i>	<i>Пулинг борида - ана дўст, Пулинг йўғида - қани дўст.</i>

ҳисобланади. Иккала тилда ҳам бирдек қофияли тарзда ифодаланган бундай мақолларга қуйидагича кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ушбу жадвалга эътибор қаратилса, қофия, яъни мақол мисраларидаги оҳангдош сўз ёки сўз бирикмасининг изчил кетма-кетлик асосида такрорланиб келиши мақолнинг мазмун, шакл ва тузилишига хос жозибаторликни таъминловчи асосий лингвистик ҳодиса эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

Бироқ француз тилидаги қофияланган тарзда ясалган мақолларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилида талқин қилинганда қофияли тузилишда бўлмаслиги ҳам мумкин. Улар маъно жиҳатдан бир-бирига айнан мос келади, ammo қофия жиҳатдан эса оҳангдош бўлмайди. Масалан:

Chose défendue, chose désirée. — Тақиқланган мева ширин бўлади.

En chacune maison, sa croix et passion. — Ҳар бир оиланинг ўз қонун-қондаси бўлади.

Faute avouée est à moitié pardonnée — Эгилган бошни қилич кесмас ва ҳоказо.

Француз тилида бир-бирдан жозибали оҳангдош қофияли мақоллар кўпчилики ташкил этади. Лекин уларнинг барчаси ҳам ўзбек тилида ўз муқобилларига эга эмас. Бинобарин, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий қадрият ва анъаналари бўлгани каби ғарб халқларида ҳам ўзига хос миллийлик асосида пайдо бўлган мақол ва маталлар бисёр. Масалан, *Revenons à nos moutons.* — Мавзуга қайтамиз; *Il faut un désordre pour amener un ordre.* — Тартибга келтириш учун олдин бетартиблик керак каби мақоллар шулар жумласидандир. Бундай мақоллар француз халқининг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи мақоллар ҳисобланади. Ушбу мақолада эса биз фақат барча халқларга хос бўлган умуминсоний қадриятларни мадҳ этувчи қофиядош мақоллар хусусида мулоҳаза юритдик.

Французча қофиядош мақолларни шу тарика таҳлил қилиш натижасида азалий қадриятлардан дўстлик, ҳақиқат, вақтни қадрлаш, кексалик, ёшлик ва самарадорлик каби тушунчаларни ўзида мужассам этган ҳамда нутқда энг кўп қўлланиладиган мақол ва маталларга ҳам дуч келиш мумкин.

Хулоса. Иккала халқ, яъни мағриб ва машриқзамин халқларидан француз ва ўзбек халқи ўртасидаги ўхшаш анъана ва урф-одатлар мавжудлигини шу аснода таҳлил қилиш орқали уларга хос тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда иккала халқ маданияти ва дунёқарашларида ўзаро ҳамоҳанглик борлигини аниқ фактли мисоллар асосида тасаввур этиш имкони пайдо бўлади. Зеро, уларнинг тили, дини ва маданияти турли хил бўлишидан қатъи назар умуминсоний қадриятлар азал-азалдан барча инсонларга хос тушунчалар бўлиб, бундай тушунча ва ғоялар ҳар бир халқнинг ўзига хос донишмандлиги асосидаги мақол ва маталларда янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Мақоллар ҳар қандай тилда ҳам мутолаа қилинганда, дастлабки ёрқин кўзга ташланадиган хусусият оҳангларнинг қофиявий уйғунлигидир. Бундай қофиядошлик уларнинг структур тузилишида, энг муҳими коммуникативлик хусусиятида, қолаверса, мазмун-моҳиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос донишмандлиги ва тафаккури асосида шаклланган мақол ва маталлар хазинаси мавжуд бўлиб, улар бевосита маданият кўзгуси сифатида тил, маданият, элат ва халқларнинг бир бутунликдаги ўзаро муносабатини акс эттирувчи

омиллардан бири саналади. Французча қофиядош мақолларни лингвوماданий жиҳатдан ўзбек тилидаги муқобиллари билан қиёсий ўрганиш натижасида умуминсоний қадриятлар иккала халқ маданияти ва ижтимоий турмуш тарзида деярли бир хил тушунча ва қарашлар нуқтаи назаридан талқин қилиниши аёнлашди.

Шунингдек, кадр-қиммат, дўстлик, қўшничилик, вақт қадри ва бошқа шу каби умуминсоний қадрият тушунчалари ўзбек халқи маданиятида француз халқи маданиятига қараганда анча кенг қамровли ва ҳар томонлама чуқур мулоҳазали мақоллар билан ифодаланади. Ушбу ҳолат иккала тилдаги маълум бир мавзунини ифодаловчи мақоллар номенклатураси ўрганилганда яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, французча қофиядош мақолларни ўзбек тилидаги муқобиллари билан қиёслаш орқали икки тилда ам мақоллар асосан, қофия ва такрорий элементлар асосида ўзига хос жозибadorлик, мазмунан теранлик ва нутқий раволик касб этиши яққол намоён бўлади.

Французча мақол ва маталларни шу каби қиёсий аспектда ўрганиш орқали уларнинг кўплаб лингвوماданий хусусиятларини кашф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мақсудова Н. Халқ мақолларида ўзбек миллий қиёфаси // Молодой учёный, — 2020. — № 19 (309). — С. 572–576.
2. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. — Жиззах: Сангзор, 2006. — 92 б.
3. Содикова М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1993. — 76 б.
4. Телия В.Н. Русская фразеология. — Москва: Шк. Языки рус. Культуры, 1996. — 284 с.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси
6. Ўзбек халқ мақоллари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 512 б.
7. Шомақсудов Ш., Шарахмедов Ш. Маънолар маҳзани. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — 477 б.
8. Ergashev M., Niyozov I. Proverbes et Dictons d'Ouzbékistan, Paris: EDITIONS GEORAMA, 2006. — 96 p.
9. Proverbes français: 1066 proverbes célèbres. <https://citation-proverbe-francais>.

References

1. Maksudova N. *Molodoy uchyoniy*, 2020, No.19 (309), pp. 572–576.
2. Safarov Sh. *Kognitiv tilshunoslik* (Cognitive linguistics), Djizakh: Sangzor, 2006, 91 p.
3. Sodikova M. *Kisqacha uzbekcha-ruscha maqol-matallar lugati* (Briefly Dictionary of Uzbek-Russian proverb), Tashkent: Uqituvchi, 1993, 76 p.
4. Telya V.N. *Russkaya frazeologiya* (Russian Phraseology), Moskva: Shk. Yaziki rus. Kulturi, 1996, 284 p.
5. Uzbek tilining izohli lugati (Annotated dictionary of the Uzbek language), Tashkent: Uzbekiston milliy ensiklopediyasi. Available at: www.ziyouz.comlibrary
6. *Uzbek khalq makollari* (Uzbek folk proverbs), Tashkent: Adabiyot va san'at, 1989, 512 p.

7. Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh. *Ma'nolar mahzani* (The database of meanings), Tashkent: Uzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2001, 477 p.
8. Ergashev M., Niyozov I. *Proverbes et Dictons d'Ouzbékistan*, Paris: EDITIONS GEORAMA, 2006, 96 p.
9. Proverbes français:1066 proverbes célèbres. <https://citation-proverbe-francais>.